Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 24 май, сешанба № 91 (21.695). Сотувда эркин нархда

ЎЙИМИЗНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИ, АЗИЗ ҚАРДОШЛАР!

Қозоғистон Президенти Тошкентга келди

23 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкентга келди. Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари бошланиши муносабати билан юртимизга ташриф буюрган юксак мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди. Икки давлат раҳбарлари тайёрагоҳда мухбирларнинг саволларига жавоб бердилар.

Нурсултон Назарбоев Ўзбекистонда бошланаётган Қозоғистон Республикаси кунлари икки қардош халқнинг азалий дўстлиги нишонаси эканини таъкидлади. Унда илм-фан, маданият ва ишбилармон доираларнинг 600 нафарга яқин аъзоси иштирок этаётганини, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш ҳар икки давлат манфаатларига хизмат қилишини айтди.

Ўзбекистон раҳбари икки қўшни давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ривожига равнақ тилар экан, ота-боболардан қолган қадимий анъаналарни давом эттириш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини таъкидлади. Шу йилнинг куз ойларида Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари ўтказилишини билдирди.

Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Искалиев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ЎзА).



Суратда: икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати пайти.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Буюк шоирга эҳтиром

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев буюк шоир ва мутафаккир, умумтуркий адабиётнинг улуғ даҳоси Алишер Навоийга эҳтиром изҳори учун адиб ҳайкали қошига келдилар, унинг пойига гуллар қўйдилар. Икки қўшни мамлакат раҳбарларининг ушбу қутлуғ қадамжони зиёрат этишида улкан рамзий маъно бор, албатта. Зеро, Алишер Навоий умр бўйи туркий халқлар дўстлигини куйлади, инсониятни тинч-тотув, ўзаро биродарликда ва ҳамкорликда ҳаёт кечиришга ундади. Алишер Навоийнинг жаҳон тафаккури хазинасидан жой олган буюк адабий мероси ана шу сабабли ҳам ўзбек ва қозоқ учун бирдек қадрлидир.

Шоир зиёратгоҳига ташриф чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазир ўринбосари Мираброр Усмонов ва Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

ДЎРМОНДАГИ УЧРАШУВЛАР

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тушган машиналар карвони аэропортдан Қозоғистон раҳбари учун ажратилган қароргоҳ сари йўл олди. Тошкент шаҳрининг байрамона безатилган кўчаларида минглаб шаҳарликлар юксак мартабали меҳмонни олқишладилар.

Маълумки, ўзбек ҳамда қозоқ халқларининг яқин ва узоқ ўтмиши уйғундир. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари мустақиллик эълон қилгач, халқларимизнинг бугуни ва келажагида ҳам кўпгина муштарак жиҳатлар мавжудлиги аён бўлди. Буни ўз вақтида англаб етган ҳар икки мамлакат Президентлари қадимий ҳамкорлик анъаналарини давом эттириш йўлидан бормоқдалар. Хусусан, Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги ягона иқтисодий ҳудуд минтақада иқтисодий аҳволни яхшилашда ҳамжиҳатликнинг аҳамияти беқиёс эканини кўрсатди. Тошкентда ҳамда Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида ўтажак тантаналар нафақат давлатлараро маданий тадбир, балки икки қўшни мамлакатнинг ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим одим бўлмоғи шубҳасиз. Илм-фан, маданият соҳаси вакиллари ҳамда ишбилармонлардан иборат 600 нафар кишилик Қозоғистон делегациясига шахсан Президент Нурсултон Назарбоевнинг бошчилик қилаётгани давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамфикрликнинг яна бир поғонага кўтарилишига асос бўлади.

Олий мартабали меҳмон юртбошимиз ҳамроҳлигида Қозоғистон Республикаси Давлат байроғи тикилган махсус қароргоҳга етиб келгач, икки мамлакат Президентлари бир-бирларига эсдалик совғалар топширдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Мулоқот чоғида икки қардош республика раҳбарлари мазкур анжуман билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ўзаро маслаҳатлашув протоколи имзоланди.

Ҳужжатни икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари — Саидмухтор Саидқосимов ҳамда Қанаат Саудабаев имзолади.

(ЎзА).

«ЭКСПОМАРКАЗ»ГА ТАШРИФ

Қароргоҳдаги яккама-якка суҳбатдан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарлари «Экспомарказ»га келдилар. Бу ерда Қозоғистон Республикаси халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналари, фан-техника ютуқлари кўздан кечирилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев бу ерда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашдилар.

— Илгари ҳам маданий алоқаларни ривожлантириш йўлида кўплаб тадбирлар ўтказилган, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Аммо уларда сиёсий, иқтисодий масалалар атрофлича муҳокама этилмаган. Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларини ўтказиш доирасида маданий алоқалар билан бирга иқтисодий муносабатларимиз аҳволини ҳам таҳлил этишга қарор қилдик. Давлатларимиз ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон узилиб қолган иқтисодий алоқаларни тиклашда катта аҳамият касб этаётгани барчага аён. Энди уни янада мустаҳкамлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш даркор.

Ўзбекистон Президенти бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавоза усулидан кенг фойдаланиш зарурлигини, маҳсулот айирбошлашда ўзаро манфаатли алоқаларга катта эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Қозоғистон Президенти эса, ишбилармонлар учун барча шарт-шароит яратилганига қарамасдан, улар сусткашлик қилаётганини айтди.

— Бу йилдан бошлаб халқ хўжалигининг барча тармоқларида давлат таъминоти, давлат буюртмаси деган гаплар эскирди, — деди Нурсултон Назарбоев. — Ҳар бир тармоқ раҳбари, ҳар бир ишбилармон олдибердини воситачиларсиз йўлга қўйиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаши зарур.

Мулоқот чоғида ягона иқтисодий макон ҳали талабга тўлиқ жавоб бермаётгани, жузъий камчиликлар, тушунмовчиликлар мавжудлиги, ҳар икки давлат ишбилармон доиралари бир-бирларидаги шарт-шароит, имкониятлар билан яхши таниш эмаслиги, бу борада ахборот таъминоти етарли бўлмаётгани масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев учрашувда ишбилармонларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДАГИ ТАНТАНАЛАР

Кечқурун республикамиз пойтахтидаги ҳашаматли «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг очилишига бағишланган тантанали маросим бошланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков очди.

Маросимда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг Президентлари Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг жондош ва қондош халқларимиз дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлидаги истак-хоҳишларини ўзида мужассам этган чиқишлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Президентлар дил сўзларидан сўнг бир-бирларига эсдалик совғалар топширдилар.

Маросимнинг тантанали қисмида икки мамлакат адабиёт, санъат ва маданияти намояндалари табрик сўзларини изҳор этдилар. Машҳур қозоқ санъаткори Ермек Серкабоев билан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг байрам қутловлари ҳам анжуман аҳлининг олқишига сазовор бўлди.

Танаффусдан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг таниқли санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ нутқи

Ассалому алайкум, азиз биродарлар!

Муҳтарам Нурсултон Абишевич!

Қадрли қозоқ дўстларимиз!

Энг аввало, сизларнинг барчангизга қадимий ва ҳамиша навқирон Ўзбекистонга ташриф буюрганингиз учун чин дилдан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсизлар.

Юртимизга хуш келибсиз, қадамингиз қутлуғ бўлсин!

Халқларимиз бундай учрашувларни ҳамиша зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан кутади. Ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг, расмий делегацияларнинг турли хил учрашув ва суҳбатлари ўзбек ва қозоқ халқида доимо катта қизиқиш, келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Шу маънода Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбариятининг Алматида, Тошкент ва Туркистонда, Ашхабод ва Бишкекда, Ўрдабоши ва Чўлпонотада ўтказилган самимий ва қизғин учрашувлари тарихий аҳамиятга эгадир. Ана шу учрашувларнинг самараси сифатида бугун ҳаммамиз меҳр-муҳаббат билан дийдорлашиб турибмиз.

Бизлар буюк Турон диёрида униб-ўсган икки оға-ини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштаракдир.

Қадим-қадим замондан Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман — барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ямяшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар.

Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Оллоҳ таолло берган азалий ва абадий насибамиздир.

Яхши биласизлар, ўтмишда орамизда айирма чегаралар бўлган эмас. Умид қиламизки, иншоолloҳ, бундан кейин ҳам бўлмагай. Қозоғистоннинг улкан ҳудудида ўзбеклар неча асрлардан буён яшаб келаётган бўлса, Ўзбекистон бағрида ҳам бир миллиондан ортиқ қозоқ дўстларимиз истиқомат қилади.

Улар ҳамиша бир-бирларига оға-ини, қуда-қудағай бўлганлар, ҳозир ҳам ягона оила фарзандлари каби тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Халқларимиз орасидаги бу дўстлик ва аҳиллиқни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкатимиз манбаидир.

Бизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларимиз жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 60-йилларида биргина Тошкент шаҳридан Қозоғистон томонга ҳар йили 40—50 минг туядан иборат савдо карвонлари мунтазам қатнаб турган.

Бухоро ва Фарғона водийсидан борадиган карвонларни ҳам қўшиб ҳисобласак, бу рақам янада ортади. Ўзбекистондан қозоқ овулларига газмоллар, кийим-кечак, уйрўзғор буюмлари олиб борилган бўлса, қозоқлар юртидан ўн минглаб қўй, оттуя, қорамол, кигис, палос, жун, тери, озиқ-овқат, пистакўмир ва бошқа моллар келтирилган.

Кўрниб турибдики, донишманд ота-боболаримиз бугун биз «ягона иқтисодий макон» деб атаётган иқтисодий тизимни ўша пайтдаёқ шакллантириб улгурганлар.

Бизнинг бугунги вазифамиз тариҳ синовидан ўтган шу қардошлик ришталарини янада такомиллаштириш, унга янгича моҳият бағишлашдан иборатдир.

Шу муносабат билан бугун тантанали вазиятда бошланаётган Қозоғистон кунларининг мазмуни, мақсади ва аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Маълумки, биз илгарилари ҳам Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати ёки Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари ўтганини биламиз. Аммо бу галги дийдорлашув — мустақиллик замонидаги илк анжуман аввалгиларидан тамоман фарқ қилади.

Бугун бизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз янгича бўлганидек, ушбу мулоқотимиз ҳам янгича бўлиши табиий ҳолдир. Яъни бу анжуманни «Қозоғистон кунлари» деб атадик, бирон бир соҳани устун қўймадик. **Бунда маданият аҳли маданият аҳли билан, ижод аҳли ижод аҳли билан, илм-фан аҳли илм-фан аҳли билан, ишбилармонлар эса ишбилармонлар билан бевосита мулоқотга киришадилар.** Бу учрашувлар чоғида турли соҳа вакиллари бир-бирлари билан фикр алмашадилар ва икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётига биргаликда ўз ҳиссаларини қўшиш учун замин яратадилар, деб ишонамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Қозоғистон билан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг икки улуғ давлатидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар даргоҳида озод Қозоғистон ва мустақил Ўзбекистон байроқлари ҳилпираб турганидан барчамиз фахрланамиз. Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Қозоғистон Республикасининг тўнғич Президенти, дўстим Нурсултон Назарбоев билан ҳар бир учрашувимиз бизни ғоят нурли орзуумидлар, улуғ режалар, янги ғоялар сари илҳомлантиради. Ҳар сафар бу учрашувлардан сўнг юрагимизда ўзимизга янада қатъийроқ ишонч пайдо бўлади.

Бунинг сабаби шундаки, азиз дўстлар, биз қалбимиз тўрида улуғ халқларимизнинг буюк ишонч туйғусини, меҳру муҳаббати ва азму шижоатини ҳамиша ҳис қилиб турамиз.

Ана шу ишонч, ўзаро меҳр-оқибат туфайли биз давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, мол айирбошлаш, тўлов воситаларини бир маромга солиб олишга ва чегараларимиздаги сунъий тўсиқларни олиб ташлашга эришдик. Маълумки, бу ҳаракатга қирғиз биродарларимиз ҳам қўшилдилар.

Уч мамлакат ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий маконга кўпчилик давлатлар, жумладан, Россия ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Бу бизнинг интилишларимиз, режаларимизнинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради.

Аввалги учрашувларимиз чоғида мен бир гапни қайта-қайта айтган эдим. Бугун икки халқнинг сиз, муҳтарам вакиллари олдида шу

(Давоми иккинчи бетда).

Қозоғистон Республикаси Президенти

Нурсултон НАЗАРБОЕВ нутқи

Муҳтарам дўстлар!

Қадрдоним Ислом Абдуғани ўғли!

Азиз биродарлар!

Энг аввало сизларга қардош қозоқ халқи, кўп миллатли Қозоғистон меҳнаткашлари номидан қизғин салом топширишимга рухсат этгайсизлар!

Мен бу муҳташам «Туркистон» саройи саҳнасида ўзгача бир ҳаяжон билан ўтирибман. Моли ўртада, жони ўртада бўлган икки халқ вакилларининг бордикелдиси аслида ҳайратланарли эмас. Биз қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб келаётган халқмиз, Қозоғистонда қозоқлар ва ўзбеклар, Ўзбекистонда эса ўзбеклар ва қозоқлар яшайди. Ўзбекдан дўсти ва қариндоши бўлмаган қозоқни топиш қийин. Қозоқдан дўсти ва қариндоши бўлмаган ўзбек ҳам йўқ дейиш мумкин. Бироқ, бизнинг ўзбек диёрига бу сафаримиз ўзгача маъно касб этади.

Бугун биз Ўзбекистон диёрига мустақил халқ вакиллари сифатида биринчи бор сафар келдик. Ўзбекистонда Қозоғистон маданияти ўн кунлиги охирги марта 1970 йилда ўтган экан. Ҳамма нарса юқоридан белгилаб берилган яқин ўтмишда қарийб чорак аср мобайнида борди-келди қилмай қўйган эканмиз.

Биз бир-биримизни кечагина таниганимиз йўқ. IX—XI асрлар ўртасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон заминида туркий халқлар муштарак давлат қуришга киришганлар. Моваро‌ннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкаларини бирлаштирган Қорахонийлар салтанати бунинг бир далили эди. Ўн тўртинчи аср ва ўн бешинчи асрнинг бошларида ҳозирги Қозоғистон ерида яшаган уруғларнинг кўпчилиги қардош ўзбек ва нўғой хонликлари таркибида яшаган. У пайтда миллатлар шаклланмаган, тил ва урф-одатлар ўртасида фарқ кам эди. Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қилган Шайбонийлар давлатидан ажралиб чиқиб, қўл остидаги улусларни бирлаштирган ва қозоқ деган элни шакллантиришга илк қадам қўйган кишилар — Керейхон ва Жонибекхондир.

Дашти Қипчоқда қозоқлар билан ёнма-ён яшаган кўплаб уруғлардан бири ўзбек миллатининг шаклланишига замин бўлди. Улар кейинчалик деҳқончилик ва савдосотиқ билан машғул бўлган ўтроқ уруғлар билан бирлашиб, ўрта аср шарқ тарихида ёрқин из қолдирган давлатларга асос солди.

Тарихда икки эл орасида низолар ва жанг-жадаллар ҳам бўлган. Аммо бу бир ота, бир онадан туғилганига қарамай, тожу тахт талашган хонлар ва амирларнинг ўзаро кураши эди. Халқ уларни ҳеч вақт қўлламаган. Ташқи душманга қарши курашда иккала эл бирлашган. Ана шу бирлик ва аҳиллиқни сақлаб қолишимиз керак.

Буни айтишдан мақсадим, қадрли дўстлар, халқларимизнинг эл бўлиб шаклланиш тарихини ҳозиргача пухта ўрганганимиз йўқ. Икки халқнинг тарихи — икки элнинг муштарак маънавий меросидир, машҳур боболаримиз — муштарак ифтихоримиздир. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий номлари инсоният учун абадий ёруғ юлдуз бўлиб қолаверади. Улуғ Абай бобурийлар сулоласига асос солган жасур саркарда, тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарига юксак баҳо берган эди. Айни пайтда қозоқ диёрида дунёга келган улуғ боболаримиз, Арастудан кейинги иккинчи устоз номини олган Абу Наср Ал Форобий, Оқин, улуғ донишманд ва куйчи Қўр-

(Давоми иккинчи бетда).



СУРАТЛАРДА: Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг тантанали очилиш маросимидан лавҳалар.

А. Зуфаров (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

фикрни яна бир марта такрорлашни ўринли деб биламан: **агар қозоқ ва ўзбек миллати бир бўлар экан, тарихимиз, тақдиримиз ва келажагимизни ўйлаб ҳамкорҳамқадам бўлиб яшар экан, бу бирликни, бу дўстлик қўрғонини енга оладиган куч дунёда бўлмайди.**

Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири, бу — Қозоғистоннинг тақдири, қозоқ халқининг келажаги — ўзбек халқининг ҳам келажагидир. Шу сабабдан ҳам бу минтақада тинчлик ва тотувликни барқарор этиш, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Узоқ ўтмишдан буён оға-ини, қон-қардош бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг истиқболи учун ўзимизни бирдек жавобгар ҳис этишимиз ва бунинг учун бутун борлиғимизни бағишлашимиз керак.

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг айниқса бугунги масъулиятли даврида — ақл-заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳурматли маданият ва санъат арбобларимизга, илм-фан намояндаларига мурожаат қилмоқчиман. Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемирлар юксак мавқега кўтарган **файзли анъаналар тикланмоғи муттасил давом этмоғи сув билан ҳаводек зарурдир.**

Истиқлол шабадаси икки мустақил, эркин давлатнинг байроқларини силпираётган экан, бу ҳаётбахш шабада санъаткорларнинг ижодхоналарига кириши, халқларимиз юрагига янги руҳ ва илҳом бағишлаши даркор.

Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом қозоқ-ўзбек дўстлигини таърифлаб: «Биз — бир китобнинг икки бетимиз», деган эди. Модомики шундай экан, **худди қадимгидек куйларни бирга куйлаб, тўйларни бирга тўйлайдиган кунлар келди.**

Ўйлайманки, бу йил Мирзо Улуғбекнинг тўйини, келаси йили эса буюк оқсоқол Абайнинг таваллуд саналарини ана шундай табаррук анъаналар руҳида, шоду хуррамлик кайфиятида биргаликда нишонлаймиз. Айтиш мумкинки, бу — она Туркистон заминида яшаётган барча халқлар учун чинакам дўстлик, биродарлик тантанасига айланажак.

Ана шу эзгу ниятларни амалга оширмоқ учун биз янги-янги кўприклар, янги Ипак йўлларини қурмоғимиз керак. Токи келгуси авлодларимиз учун йўллар беҳавотир, кенг ва равон бўлсин!

Ёш авлодга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарнинг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллатни ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир.

Муҳтарам дўстлар!

Дўстим Нурсултон Назарбоев ва унинг сафдошлари раҳбарлигида Қозоғистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ўзбек халқи катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Зеро, халқларимизнинг моддий-маънавий манфаатлари ҳар жиҳатдан ўзаро уйғундир.

Биз дунёдаги бирон бир моделга кўр-кўрона тақлид қилмоқчи эмасмиз. Айни вақтда, муайян тараққиёт босқичига эришган давлатларнинг ютуқларини ҳам камситмоқчи эмасмиз. Улардан юз ўгирмаймиз.

Аммо, азиз дўстлар, бизнинг қонимизда минг йиллик шарқ тафаккурининг бедор руҳи гупуриб турибди. Жаҳон илм-фани ва маданиятига кибернетика асосларини яратган Хоразмийни, буюк файласуф бобомиз Форобийни, тиббиёт қонунларининг тенгсиз кашфиётчиси Ибн Синони, назм юлдузлари — Навоий ва Абайни, Амир Темур ва Бобур, Тўла бий, Қозибек бий, Айтеке бий каби улуғ зотларни, Беруний, Ўмом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бухор Жиров, Иброй Олтинсарин, Чўқон Валихонов сингари мутафаккирларни берган бу муқаддас замин халқларининг яратувчилик даҳоси ҳамиша уйғоқдир.

Қадрли Нурсултон Абишевич!

Азиз қозоқ биродарларимиз!

Мамлакатларимиз жамиятни янгилаш йўлини танлади. Биз бир-биримизнинг ишимиздан нусха кўчирмаймиз, албатта. Бироқ, пировард мақсадимиз битта — халқларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, иқтисодий, маданий ва маънавий фаровонликка эришишдан иборат.

Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам беҳисоб табиий бойликка эга: Биз бу бойликни ўзлаштиришимиз, иқтисодий, маънавий ва инсоний салоҳиятларимизни янада жипслаштириш йўлидан боришимиз лозим. Бундай йўл иккала мамлақат халқларининг орзу-умидларига мосдир.

Жаҳон тажрибаси ҳамда унча катта бўлмаса-да, ўзимиз босиб ўтган йўл шуни кўрсатадики, мустақилликни қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш, миллий, ижтимоий ва иқтисодий эркинликка эришиш ҳеч қаерда ва ҳеч қачон осон кечган эмас.

Ўзбекистоннинг жамиятда ислоҳот ўтказиш, эски буйруқбозлик тизимидан ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатлари тизимига ўтиш борасидаги йўли халқимизнинг миллий хусусиятлари, руҳияти, дунёқараши, табиий шароитлари ҳамда мамлакатнинг бошқа ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда зўр қатъият билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда биз жаҳон ва баъзи давлатлар амалиётидаги барча ижобий тажрибалардан ижодий фойдаланмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз мана шу учрашувимизга, сизларнинг ташрифингизга ҳам катта умид боғлаймиз, азиз дўстлар!

Ишончим комилки, Қозоғистон давлатининг ҳурматли раҳбари, дўстим Нурсултон Абишевич Назарбоев бизнинг юртимизга ўз мамлакатининг энг етук кишиларини, етук мутахассисларини, илғор замонавий билимларга эга бўлган одамларни, катта ҳаётий ва хўжалик тажрибасига эга, ўз ишининг ҳақиқий усталарини бошлаб келган.

Ўзбекистоннинг дарвозалари сизлар учун ҳамиша очиқ, азиз меҳмонлар. Бизнинг гаплашадиган гапларимиз кўп, ҳамкорлигимиз уфқлари кенг. Келинглар, ўзаро борди-келдиларимиз мунтазамлик касб этсин, биргаликда меҳнат қилайлик, тажриба ва билимларимизни ўртоқлашайлик.

Ҳамкорлигимиз ажойиб самаралар беришига ишончим комил. Келинглар, олдимизда турган қийинчиликларни қўлни-қўлга берган ҳолда енгиб, бозор иқтисодиётини биргаликда қарор топтирайлик. Жаҳон аҳли бизнинг улкан имкониятларимизни кўрсин, бир-биримизга оға-ини, ишончли шерик ҳамда ҳаммаслак эканимизга амин бўлсин!

Қардош Қозоғистоннинг муҳтарам Президенти!

Ҳурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон ҳозир қудратли саноат барпо этиш, амалдаги объектларни тубдан қайта қуриш юзасидан катта ишлар қилмоқда. Шу маънода қозоғистонлик мутахассисларга ўзаро ҳамкорлик учун жуда катта имкониятлар бор.

Энг аввало иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган саноатнинг бутун негизини ривожлантириш, бой хом ашё моддий ресурсларимиз асосида тайёр маҳсулот олишга қаратилган юксак технологик лойиҳаларни амалга ошириш — мамлакатларимиз олдида турган муҳим вазифадир.

Устивор йўналишимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдан иборат. Чунки иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг асосий манбалари қишлоқда жойлашган.

Халқларимизнинг энг оғир, азобли дарди — Орол фожиасидир. Бу муаммо ўз беклару қозоқлар ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этмоқда. Орол бўйи, унинг бойликлари, Сирдарё ва Амударё саҳоват билан инсонларга ҳадя этган инъомлар илгари собиқ Иттифоқники бўлгани барчангизга яхши маълум.

Афсуслар бўлсинки, Орол бўйининг неъматларини барча «ягона совет халқи» билан баҳам кўрган бўлсак, унинг «аччиқ мева»си — Орол ва Орол бўйи фожиаси, бу ҳалокатнинг экологик оқибатлари, ҳалокатдан қутулиш йўлларини қидириш — ёлғиз ўзимизнинг, Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, асрлардан бери бу улуғ дарёларимиздан сув ичиб келган ва бугунги кунда ҳам ичаётган қардош халқларимиз бу ўта машаққатли муаммони ҳал қилишга биргалашиб киришди. Давлатларимиз бу йўлда ташлаётган муҳим қадамлар барчангизга яхши маълум.

Бугунги учрашувда барча муаммо ва масалалар хусусида гапирмоқчи эмасман. Сизлар жойларда бўлиб, одамларимиз, уларнинг ишлари билан танишасизлар. Сизлар бизнинг тажрибамизни ўрганишингиз билан сизларнинг тажрибангизни ўрганганимиздек фойдали бўлишига ишончим комил. Бу учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги истиқболли, мунтазам, бузилмас алоқаларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлишига шубҳа йўқ.

Муҳтарам дўстлар!

Биз ҳозир ижтимоий янгиланишнинг мураккаб ва қийин жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизни бажариш учун биринчи навбатда тинчлик ва барқарорлик зарур. Аммо, таассуфлар бўлсинки, Ер курраси турли ташвиш, безовталик ва зиддиятларга тўла. Дам у ерда, дам бу ерда уруш олови ловиллаб турибди. Афсуски, бизнинг минтақамиз ҳам бу кулфатлардан ҳоли эмас. Халқларимиз ўртасида қўшни Тожикистон ва Афғонистонда юз бераётган воқеалар катта ташвиш туғдирмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг минтақада ялпи тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги доимий саъй-ҳаракатлари бутун дунё аҳлига аён. Биз бундан кейин ҳам бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Орамизга раҳна солишга уринаётганлар шуни билиб қўйсинки, бизнинг қондошлигимиз, қардошлигимиз ва аҳиллигимиз абадийдир. Бироқ, биз бирон сония бўлса-да, ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, халқнинг «ўзингга эҳтиёт бўл...» деган доно мақолини унутмаслигимиз керак.

Қозоқ ва ўзбек халқлари тарихнинг барча даврларида бирга бўлган, ёнма-ён қадам ташлаб, турмушнинг бор шодлигу ғамини бирга баҳам кўрган. Асрлар ўтган, ижтимоий тузумлар ўзгарган, бутун-бутун салтанатлар вужудга келган ва емирилиб кетган, ҳукмдорлар ўзгарган, бироқ қозоқ билан ўзбекнинг қондошлиги, қардошлиги ва дўстлиги барқарорлигича қолган. Янглишмасам, қозоқ халқининг «Девор бузилар — пойдевор қолар, беклар кетар — халқ қолар» деган доно мақоли бор.

Ҳозир дўстлигимиз, қардошлигимизнинг янги даври юз очди. Мустақил миллат, ўз мустақил Ватанининг эгаси бўлган халқларимиз янги тарихини бошлади. Бу тарих — эрк тарихи, балоғатга етиш, иқтисодий ва маънавий қад ростлаш, жаҳон ҳамдўстлигида ўз номи ва нуфузини барқарор этиш тарихи бўлажак.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда мен бизнинг юксак даражадаги учрашувларимиздан бирини эсладим. Биз ўшанда дўстим Нурсултон Назарбоев билан халқларимизнинг буюк маънавий падари бузруквори Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг ҳоклари жой олган муқаддас Туркистон заминида учрашган эдик.

Ўша учрашув бизнинг қалбларимизга шу қадар кучли ҳарорат ва ёғду бахш этдики, бу ҳарорат ва ёғду бугунги кунда ҳам бизни олижаноб мақсад ва ишларга ундаб турибди.

Дўстлигимизни, умумий хонадонимиздаги қондошлик ва аҳиллликни, халқларимизнинг тинч, осойишта ҳаётини кўз қорачиғидек асраш — барчамиз учун шараф ва бурч иши деб ўйлайман. Яна шуни айтишим лозимки, бу иш бизнинг инсоний бурчимиз, ўзларини ўзбегу қозоққа ажратмаган аждодларимиз васиятига садоқатимиздир.

Ҳақиқатан ҳам, халқларимиз орасидаги қондошлик шу даражадаки, мамлакатларимиз ўртасида қандайдир чегаралар, турли иқтисодий ва бошқа тўсиқлар бўлишини тасаввур қилиш қийин. Шу маънода дўстим Нурсултон Назарбоев билан халқларимиз ўртасидаги фарзандлик бурчимизни адо этишимиз лозимлигини вақтида англаб, ягона иқтисодий маконни барпо қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаганимиз, кейинчалик бу фикрга яна бир дўстимиз, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам қўшилгани бежиз эмас.

Адолат юзасидан эътироф этишим ва барчага маълум қилишим лозимки, бу ташаббус, нафақат Қозоғистон, балки бутун Марказий Осиёда атоқли давлат арбоби, хизматлари бутун дунёда эътироф этилган Нурсултон Назарбоевдан чиққан эди.

Миллатларнинг ўзаро яқинлиги уларнинг оила қуриш масаласи билан ҳам белгиланиши барчага маълум. Бироқ, назаримда, қардошлик бўйича жуда катта билимдон дўстим Нурсултон Абишевич Назарбоев ҳам мамлакатларимизда ўзбеклар ва қозоқлардан тузилган нечта оила борлигини аниқ айтиб беролмаса керак. Албатта, у киши ҳам, мен ҳам мамлакатларимизда қанча қозоқ ёки қанча ўзбек яшашини айтишимиз мумкин. Бироқ, рости, мен ҳеч қачон Ўзбекистондаги қозоқларни ўзимизнинг миллатдан айри қўйишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Биз — битта халқмиз. Мана шунинг ўзи ҳамма нарсани айтиб турибди.

Мен қозоқ халқининг Ўзбекистонни ўз Ватани деб билган, бутун ҳаётини унга бахшида этган ўнлаб ва юзлаб фарзандларини санашим мумкин. Улардан бири — Қарши даштини ўзлаштиришдаги меҳнатларини биронта статистика бошқармаси ҳисоблай олмайдиган ажойиб чўлқувар, машҳур Султон Чегебоевдир.

Ёки бўлмаса, жамиятимизни маънавий қайта тиклаш юзасидан жуда кўп иш қилаётган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Жондор Тўленов, шунингдек, ёзувчи, олим, бизнинг қозоқча газетамизнинг муҳаррири Қолдибек Сейдановни олайлик.

Қозоқ миллатига мансуб биродарларимиз — Қонимех туманидаги «Қарақат» жамоа хўжалигининг чўпони Жахсимурод Сирманов, шу тумандаги интернат мактаб ўқитувчиси Гулзира Аҳметова, томдилик Абдурасул Пўлатов ва Турали Сулаймонов, учқудуқлик Ҳайлигул Жаноева ва Айтбой Турдимуродов биз билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилаётганидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган қозоқларнинг ҳам кўпчилиги жуда машҳур бўлиб кетган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Комил Қўлдошев, хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тожибек Бойирбеков, хизмат кўрсатган қурувчи Абдулла Опоқхўжаев, хизмат кўрсатган ўқитувчи Жамила Бексултонова шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари бўлмиш қозоқ халқининг бу ажойиб ўғил ва қизлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан бизнинг умумий бойлигимизни кўпайтирмоқда, маънавий қардошлигимизни мустаҳкамламоқда.

Азиз дўстлар, азиз меҳмонлар!

Мен яна жуда кўп ўзбекистонлик қозоқларнинг номини тилга олишим мумкин эди, бироқ дўстим Нурсултон Назарбоев уларни Қозоғистонга олиб кетиб қолишидан қўрқиб, санашни бас қиламан. Чунки улар бизнинг ўзимизга керак.

Эҳтимол, дўстлар, менинг хавотирим ортиқчадир. Қозоғистондаги ўзбеклар қозоқ замини билан туташиб кетгани сингари Ўзбекистондаги қозоқлар ҳам бизнинг замин билан туташиб кетган. Дўстлигимиз, маънавий қондошқариндошлигимизнинг кафолати ҳам шулардир.

Муҳтарам дўстим Нурсултон Абишевич!

Азиз қозоқ биродарларим!

Бугунги зўр анжуманимиз — катта йўлнинг ибтидоси, бошланишидир. Туркистон озодлигини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган отабоболаримизнинг руҳи бугун шод бўляпти.

Бу қутлуғ кун барчамизга муборак бўлсин!

Яна бир бор хуш келибсиз, қозоғистонлик бовурларимиз! Уйимизнинг қалбимизнинг тўри сизники!

Сизларга сиҳат-саломатлик, омонлик, бахту фаровонлик, ишларингизга зафар тилайман!

Яшасин улуғ қозоқ халқи! Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлиги дунё тургунча барқарор бўлсин!

Қозоғистон Республикаси Президенти

Нурсултон НАЗАРБОЕВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қут Ота, хосиятли Туркистонда умр кечирган Хўжа Аҳмад Яссавий сингари маърифатимиз устунлари ҳам Марказий Осиёдаги туркий тилда сўзлашувчи барча халқларнинг муштарак ифтихоридир.

Ҳозирги пайтда, мустақилликка эришиб, давлатни бошқаришни ўз қўлимизга олганимиздан кейин ҳам халқларимизнинг тақдири бирдир, деб айта оламан. Чунки, бизнинг мақсадимиз бир, интилишимиз бир. Одам билан одамни, халқ билан халқни яқинлаштирувчи энг биринчи омил мақсадлар бирлигидир. Буни аждодларимиз жуда яхши билишган.

Қозоқларнинг энг машҳур бийларидан бири — Тўлабий элларни бирлаштиришга интилган. У Тошкент шаҳрининг марказидаги Шайхонтоҳурда дафн этилган. Ундан уч юз эллик йил бурун қозоқ яйловларига ёв бостириб келганда, ҳозирги Толдиқўрғон вилоятининг Ўрбулоқ деган ерида Жангирхоннинг сарбозлари жўнғорлар билан жангга киришган бир пайтда Самарқанддан Ялантўш Баҳодир бошчилигидаги 20 минг ёвқур жангчи кўмакка келади. Яқинроқ даврни оладиган бўлсак, қозоқ маданиятида Тошкентнинг алоҳида ўрни бор. Бу ерда «Тонг», «Сана», «Чўлпон», «Еш авлод», «Оқ йўл» сингари қозоқча газета — журналлар нашр этилган. Уларда Мағжон Жумабоев, Аҳмет Бойтурсунов, Жусипбек Аймавутов, Мухтор Авезовларнинг илк асарлари эълон қилинган. Қозоқ халқининг Турар Рисқулов, Назир Тўрақулов, Ғани Муратбоев, Султонбек Қўжанов каби атоқли вакиллари Тошкентда меҳнат қилишди. 30-йиллардаги очарчиликда минг-минглаб қозоқлар ўзбек еридан паноҳ топдилар. Қардош ўзбек халқи уларни бағрига олиб, бир бурда нонини баҳам кўрди. Қозоқ халқи буни ҳеч қачон унутмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, бошимизга оғир кун тушган дамларда ёрдам қўлини чўзиб, бошпана бергани, бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллиондан ошиқ қозоқларнинг ҳар томонлама камол топишига кўмаклашаётгани учун ўзбек халқи ва ҳукуматига қозоқ халқи номидан самимий миннатдорлик билдираман!

Азиз дўстлар!

Қардош биродарлар!

Шу йил январь ойида биз Тошкентда учрашиб, икки томон учун ҳам манфаатли бўлган кўпгина масалаларнинг ечимини топдик. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро фойдали алоқаларни янада кенгайтириш йўлларини муҳокама қилдик. Икки мамлакат ўртасида моллар, ишчи кучи, сармояларнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган, бюджет, нарх, валюта, бож сиёсатини келишув асосида юритишни кўзда тутадиган эркин иқтисодий макон барпо этиш ҳақидаги шартномага қўл қўйдик. Бу шартноманинг истиқболидан умидимиз катта. Бугун Ўзбекистон пойтахтининг муҳташам саройида очилаётган Қозоғистон кунлари ҳам ана шу аҳдлашувларнинг дастлабки самарасидир.

Сизлар Ўзбекистондаги Қозоғистон кунлари мобайнида бизнинг фан ва техника, маданият ва санъат, қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги ютуқларимиз билан танишасиз. Икки элнинг турли соҳа мутахассислари яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашиш, фикрлашиш имконига эга бўладилар.

Қардош Ўзбекистон заминига Қозоғистоннинг турли вилоятларидан 600 га яқин маданият, фан арбоблари, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари меҳмон бўлиб келишди. Шу йил кузакда эса сизларни бутун Қозоғистон халқи кутади.

Бу кунлар дўстлигимиз ва қардошлигимизнинг чинакам байрами сифатида эсда қолишига ишончим комил. Қучоқ очиб кутиб олганингиз учун ташаккур. Қардош ўзбек халқига, унинг биринчи Президенти, қозоқ халқининг яқин дўсти, қадрдон биродарим Ислом Каримовга бахт-саодат тилайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Азиз дўстлар!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва асл биродарлик илдизлари минг йиллардан нариги ўтиб кетган. Бизнинг тарихимиз, тилларимиз, динимизгина умумий эмас, тақдиримиз ҳам муштарагдир. Биз, қозоқлар ва ўзбеклар, қозоғистонликлар ва ўзбекистонликлар бирлигимизнинг ана шу кўзга кўринмас, лекин мустаҳкам риштасини ҳамиша сезиб турамиз. Бу нарса айниқса ҳозир, Қозоғистон билан Ўзбекистон ўз давлатини барпо этишнинг ягона ва мураккаб йўлидан бораётган пайтда яққол сезилмоқда.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи ва кўчманчи халқларнинг ёнма-ён тинчтотув яшаши ва мустаҳкам алоқа қилиши деярли уч минг йил давомида Марказий Осиё тарихий тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берган хусусиятдир. Ҳозир, республикаларимиз мустақилликка эришиб, халқларимизнинг жуда кўп авлодлари орзуси рўёбга чиқа бошлаган пайтда ҳам, жаҳон ҳамжамиятига чиқадиган йўлимизни, келажагимизни ўзаро фойдали алоқаларсиз, пухта ўйланган ва якдил ҳаракатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахир, биз қўшни, қардош халқлармиз, шу сабабли, аждодларимизнинг анъаналарига мувофиқ умумий муаммоларни биргалашиб ҳал қилишимиз керак.

Бунинг устига, Қозоғистон ва Ўзбекистон иқтисодиёти бир-бирига мустаҳкам боғлиқ. Қозоғистоннинг МДҲ мамлакатлари билан маҳсулот айирбош қилишининг умумий ҳажмида Ўзбекистоннинг улуши катта. Масалан, биз учун табиий газ ва енгил саноат маҳсулотларини асосан сизнинг давлатингиз етказиб беради. Ўз навбатида, Қозоғистон Ўзбекистонга ҳар йили икки миллион тонна атрофида дон, 600—800 минг тонна кўмир, 200 минг тонна қора металлар прокати ва бошқа кўп маҳсулот етказиб бермоқда.

Қозоғистон билан Ўзбекистон бу йил ҳам, келгуси йилларда ҳам таркиб топган ўзаро фойдали алоқаларни сақлаб қолиш, маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича эса, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш ниятидадир.

Ҳамма иш биз хоҳлагандек силлиқ кўчаётгани йўқ, албатта. Таассуфки, маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича қарзлар бор. Бунинг сабаби ҳамма корхона ва ташкилотларни қамраб олган кескин тўлов танглигидадир. Аммо, биз бу муаммолар эндиликда ягона иқтисодий макон доирасида муваффақиятли ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида шу йил январь ойида Тошкентда қарор қабул қилдик ва унга яқинда Қирғизистон қўшилди.

Бу қарорнинг аҳамияти жуда катта. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида қабул қилинган битимлар нақадар қийинчилик билан бажарилаётганини ҳаммамиз биламиз. Шу жиҳатдан қараганда, Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш — ўз иқтисодиётини мустаҳкамлашдан оғизда эмас, балки амалда манфаатдор бўлган мамлакатларнинг ўзаро келишиб, масъулият билан биргаликда ҳаракат қилишининг ёрқин намунасидир. Дарвоқе, бу макон ёниқ эмас, балки ҳар қандай давлат ёки давлатлар гуруҳи учун очиқ эканлигини таъкидламоқчиман.

Қўшни МДҲ республикалари чегараларидаги божхоналар ҳали у ерда, ҳали бу ерда мустаҳкамланаётгани ҳақидаги хабарларни матбуотда деярли ҳар куни ўқиш мумкин. Бунга, масалан, бир мамлакатдан наркотик моддалар ёки қуроллар келтирилаётгани, бошқа мамлакатдан стратегик материаллар олиб кетилаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Аммо, божхоналарни мустаҳкамлашга, асрлар давомида божхона бўлмаган жойларда уларни барпо этишга ҳожат борми? Эҳтимол, ана шу давлатларнинг тегишли идоралари биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида келишиб олиши лозимдир? Бунинг устига, биргаликдаги ҳаракатнинг ижобий натижа бераётганини барча кўриб турибди.

Бир назар ташланг: ўртадаги чегаралари шартли тус олаётган давлатлар сони дунёда тобора кўпайиб бормоқда. Бу — объектив жараён бўлиб, унинг йўналиши ва муқаррарлигини табиат қонунлари ва ижтимоий қонунлар тасдиқламоқда. Ҳар қандай жисм ҳам, шу сингари ҳамжамият ҳам яккаланиб қолса, ҳалокатга маҳкум бўлади.

Собиқ СССРни бутун дунёдан ажратиб турган «темир парда» бирор кишининг иродаси билан эмас, балки шу объектив сабабга кўра қулаб тушди. Аммо ана шу «парда» қулагач, иттифоқдош қўшнилар ўртага девор олиш ва бир-бири билан алоқани узиш учун шу «темир»ни тўплашга шошилишди. Бу — беҳуда иш. Яхшиси, ана шу темирдан ўзаро қўшимча йўл ясаш керак. Буюк Ал Форобий халқлар баҳслашиш ўрнига ақл-идрок билан иш тутгани яхши, деган эди. Ақл-идрок аҳиллиққа олиб боради. Бу ўринда буюк Алишер Навоийнинг:

«Олам аҳли, билингиз, иш эмас душманлиғ,
Ер ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш»,

деган доҳиёна байтини доимо ёдда тутиш лозим, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар! Давлатларимиз туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Биз бир-биримиздан ўрганмоқдамиз, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишдан чинакам манфаатдормиз. Бу эса кучимизга куч қўшмоқда, бизни бир-биримизга тағин ҳам яқинлаштирмоқда.

Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги битимгина эмас, Ўзбекистонда ўтказилаётган мана шу Қозоғистон кунлари ҳам Марказий Осиёда ижобий бирлашув жараёнлари давом этаётганига ишонарли далил бўлиб хизмат қилади. Битим иқтисодиётнинг бир-бирига яқинлашуви ва мустаҳкамланиши бўлса, Қозоғистон кунларининг ўтказилиши — халқларнинг бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши, одамларнинг янги дўст ва таниш орттиришидир. Чунки, инсон учун энг зарур нарса — тотувлик, дўстлик ва тинчликдир.

Самимий кутиб олганингиз, меҳмондўстлигингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз!

Азиз дўстлар!

Ўртамизда талашадиган ҳеч нарса йўқ. Ниятимиз бир, мақсадимиз ҳам бир. Ерларимиз бир-бирига туташ, халқларимиз қондошқариндош. Бугун бизга бирлик, ҳамкорлик, тотувлик, ўзаро ёрдам ҳар қачонгидан ҳам зарур. Қозоқ ва ўзбек халқларида бир мақол бор: «Бўлинганни бўри ер». Ҳеч қачон бўлинмайлик.

Қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлиги абадий бўлсин!

Халқ айтгани ҳақ чиқар

Ислом КАРИМОВ:

ҲОКИМЛАР ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШЛАРИДАН, ЮМУШЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛИБ, ЎЗАРО БИРЛАШТИРИБ, РУҲЛАРИНИ КЎТАРИБ, ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА МАЪНАВИЙ ИҚЛИМ ЯРАТИБ, УЛАРНИ ОЛДИМИЗДА ТУРГАН МАҚСАДЛАР ИЖРОСИГА САФАРБАР ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ.



• Муносабат

ҲАР КИШИНИ ҲИЗР БИЛАЙЛИК

Сахийлик, саховатпешалик инсоний зийнатлардан. Бонси ўзгалар ҳақида ўйлаш, одамлар кўнглини овлаш, дардига малҳам бўлиш, оғирини енгил қилиш саодат йўлидир. Зеро, холис ва олийжаноблик ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Эзгулик туғини тутган, саъй-ҳаракатга чоғланганларни кўрганда ниятлари йўлдош бўлсин, дея омад тилаймиз.

Дарвоқе, бойу-ночор, очу-тўққа бирдай муносабатда бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга оид бир ҳикоя ёдга келади. Маълум бўлишича, ул зот вақтиваҳти билан ўзларига эргашган, Исломни дилига жо қилганларни тўплаб, ўзаро муносабатларини сарҳисоб қилиб турарканлар. «Аҳлу мўминлар, — дея мурожаат этибдилар ул киши йиғинлардан бирида, — ҳаммамиз ҳам Оллоҳнинг бандаларимиз. Покланиш, ўзликни англаш йўлида билиб-билмай ўзаро ножўя ҳаракатларга изн бергандурмиз. Хусусан мени сизларга, сизларни менга ўтказган жойим бўлса узру-афуга тайёрдурмен». Шунда ўртадан ҳеч садо чиқмабди. Фақат бир йўқсул сўзламакка ботинибди: «Паноҳимизсиз, кечирасизу назаримда сиздан озроқ ўтган жойи бор, — дебди у. — Рости бу ғазотда бўлган эрди. Тўс-тўпаланг пайт. Сиз оқ норингизга қамчи босганингизда унинг учи менга келиб тегибдур. Шунга розилик сўрайман». Пайғамбаримиз у кишига қамчи тутқазиб, кўнглинг равшан топсин, дедилар. Фақир эса: «Мен деярли ёлғоч эрдим, сиз кийингансиз», дебди. У киши ечинганларида: «Бас, етар, мен ниятимга етдим. Мақсад сизнинг нур ёғилиб турган танангизни кўрмак эди», деб қамчини қайтарган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, Оллоҳнинг Расули мўмину муслимларни рози қилишга ҳамиша ҳозиру нозир бўлганлар. Хўш, юртимиз фуқароларини сўзларига қулоқ солиш, уларни тушуниш, талаб-истак ва таклифларини рўёбга чиқаришда бош мутасадди ҳисобланган жойлардаги раҳбарлар виждон амрига қулоқ тутаяптиларми? Халқ ва юртбошимиз ишончини оқлаяптиларми? Афсуски, бу борадаги юмушларни бажарилишида ҳамма жойда ҳам бар қарорлиққа эришилган, дейиш қийин. Йўл қўйилаётган камчиликлар эса меҳнаткашларнинг газета йўллаётган шикоят-арзномаларида намоён бўлмоқда. Таҳририятимиз ҳар бир хат изидан боришга, муштарий талабини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Зотан, истак, таклиф ва талаблар битилган мактубларни ўрганиш, одамлар ҳожатини чиқариш ишларига муносабат ўзгармаяпти. Бу, текшириш учун жойларга йўлланаётган ва рўзномада босилаётган мактубларга муносабатда, жавоб муддатларига риоя этилмаётганида кўринмоқда.

Маълумки, газета — ҳаёт ойнаси. Уни кузатиб бориш, истиқлол нафасини ҳис этиш билан бирга ҳар бир шаҳар-қишлоқ ва туманга даҳлдор ютуқ-камчиликлар баён этилган мақолалар билан танишишга имкон беради. Амалда эса аксарият ҳолларда бунинг акси бўлаяпти. Жойлардаги раҳбарлар «Халқ айтгани — ҳақ чиқар» саҳифамизда одамлар дарди баён этилган чиқишларимизга «эътироф ё эътироз» маъносида муносабат билдирган бўларди. Ким билади дейсиз, балки рўзномани варақлашга фурсат топилмас. Шу ўринда бир хайрли анъанани эслаш жонз кўринади.

Илгарилари биринчи котиб иш столига аввало газеталар қўйиларди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда ўтмишдан кўз юммай айрим яхши жиҳатларни бугун ҳам қўлласак, фойдадан ҳоли бўлмас.

— Ўзим иккинчи гуруҳ ногиронман, — деб ёзади риштонлик Абдулла Бозоров.— Мутасаддилар мадад беришмагани учун яна сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Сизларга раҳмат, аввалги хатимдан фойдаланиб, «Илинжим бор...» деган сарлавҳада арзимни босиб чиқардинглар. Лекин натижа бўлмади. Афтидан ҳеч ким ўқимаган шеклли. Бўлмаса, «Хоҳлаган ерингга ёз, истаган жойингга бор, барибир масала менинг қўлимда ҳал бўладн», дейишармиди. Ҳатто алоҳида комиссия тузишди. Комиссия аъзолари шароитимни кўриб, «ҳақиқатдан ҳам жойингиз тор экан», деган хулосага келишди-ю, бироқ қўшимча ер беролмаймиз, деб туриб олишди.

Хусусан, рўзномамизда эълон қилинган «Биримиз иккн бўлмайди-ку», «Ҳолим сўрар киши борми?», «Ҳолимиздан ким хабар олади?» сарлавҳалари остида босилган мақолаларда Фориш тумани, «Фориш» давлат хўжалиги, Янгийўл ва Ўзбекистон туманларидан мактуб йўллаган муштарийларнинг жавобталаб арзлари баён этилганди. Таҳририятимиз, орадан анча вақт ўтиб кетганига қарамай, бу чиқишларимизга қандай муносабатда бўлинганини биломай турибди. Шунингдек, риштонлик Тоҳира Зоҳирова «Умидим сизлардан» мақоласида қўш хотинли бойвачча эринг алимент тўламаётгани ҳақида ҳикоя қилса, Чироқчи туманидан Норқул Эролов, Нурота туманидан Саъдулла Абдуллаев, Косонсойдан Т. Сулаймоновлар ичимлик сув муаммоси ва Йўл азоби ҳақида газетамиз орқали чиқишлар қилишган эди. Афсуски, бундай шикоятларга ҳам жавоб олганимиз йўқ.

Юртимизда келажаги буюк ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Зеро, юртбошимиз айтмоқчи: «Инсон ҳуқуқини Қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолат яратиб беролмаган жамиятни адолатли деб бўлмайди». Халқ, жамият кимнинг қандай партия ё ҳаракатга мансублигига қараб эмас, эл-юрт манфаати йўлида қилаётган амалий ишларига қараб баҳолайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек: «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар».

Ҳайдар НОСИРОВ.

СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Бу отахоннинг нур ёғилиб турган чеҳрасига бир разм солинг! Сувратида ҳам, сийратида ҳам шарқона донишмандлик, улуғворлик мужассам. Шундай эмасми?!

Дарвоқе, уни таништириш мавриди келди. Саидвали ота Каримов ана шу киши бўладилар. У 1990 йилнинг июль ойидаёқ биргина Иштихон туманидаги Луқмон Ўроқов номли (собиқ «Янгикент») ширкатлар уюшмасининг Чақар қишлоғидагина эмас, балки Самарқанд вилояти ҳудудида биринчилардан бўлиб ўз онласи аъзолари билан фермер (деҳқон) хўжалиги ташкил этган эди. Фермерликни даставвал 10 бош қорамол сотиб олиш билан бошлаган бу нуроний кўп ўтмай улар сонини 40 бошга етказишга ва ундан ҳам оширишга эришди. Фермер хўжалиги аъзолари биринчи йилиёқ хўжаликка шартнома асосида 20 тоннага яқин гўшт ва анча миқдорда сут топширишга муваффақ бўлишди.

Саидвали ота онласи хусусида алоҳида эҳтиром билан сўз юритиш жонз, деб ўйлаймиз. Сабаби — отахон уруш ва меҳнат фахрийси, 3 қиз ва 2 ўғилнинг отаси, қанча-қанча неваралар-нинг ардоқли бобоси. Умр йўлдоши Турсуной опа 68, отахон эса ўзининг бир кам 70 ёшини қаршилаяпти. Ўғли Бердиёр, келини Робия, қизи Хоснят, неваралари — Ўткир, Учқун ва Мансурбеклар ҳамма соҳада муносиб ўрин топишяпти.

Бу хонадон соҳиблари фақат фермерлик билан шуғулланиб қолишмайди. Ғалла экади, беда етиштиради. Хирмонхирмон дон, ғарам-ғарам пичан уюшади. 35 сотих токзор бор, анорзори, анжирзори бисёр. Рўзғорда от ҳам, мойжувоз ҳам бор.

Саидвали отанинг яна инсоний ноёб фазилати шундаки, у доимо етим-есирларнинг бошини силайди. Табиатан кар-соқов туғилган бир йигитни бағрига олиб, уни уйли-жойли қилганига кўп йиллар бўлди. Ўша йигит Каримовлар хонадонида бугунги кунда бола-чақали, улар рўзғордан бекам турмуш кечиришяпти. Саидвали отанинг бундай савобли ишларини санаб адоғига етказиш қийин. Бундай олийжаноблиги учун бутун эл уни алқаганини кўп бор ўз қулоғимиз билан эшитганмиз.

Ҳозир Саидвали ота фермерликни ривожлантиришнинг ойдин йўлига тушиб олган. Қўрасида қўй-эчки ҳам, сигиру бузоқ ҳам, ғунажину сўқимга боқилаётган таналар ҳам талайгина.

«Инсоннинг лафзи ҳалол бўлиши керак!» дейди ҳар гапнинг бирида Саидвали ота. У ана шундай ҳалол ва покдомонлиги билан элнинг ҳар қандай корига камарбаста бўлиб келяпти. .

Абдулла ТУРДИЕВ.

СУРАТДА: Саидвали ота Каримовнинг суврати ҳам, сийрати ҳам — мана, сизнинг кўз ўнгингизда!..

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

БИР КАЛИМА СЎЗИМ БОР

● **ЯНГИЙЎЛ.** Бундан икки йил аввал тумандаги «Эскиқовунчи» жамоа хўжалиғида яхши ниятда отахонлар чойхонаси барпо этилганди. Афсуски, кексаларимиз гурунги авжга минадиган чойхонага кириб бўлмай қолди. Боиси, чойхона ёшларнинг маишатхонасига айланган. Бу ердан ичкиликнинг ҳар хили топилади. Маҳалла қўмитаси раиси ҳам осонроқ йўл тутди, чоғи чойхонани «Медпункт»га айлантириб, дард устига чипқон қилди. Отахонлар қаттиқ ранжишмоқда.

Саодат ҒОЙПОВА.

● **ҚАШҚАДАРЁ.** Менинг уч акам урушда бедарак йўқолган. Улар собиқ Мироқи туманидан армияга олинган эдилар. Орадан шунча йил ўтса ҳам бирон дарак чиқармикан, деб умид қиламиз. Кимда-ким Қувват Ашуров, Мирза ва Турсун Бекназаровлар ҳақида биров хабар билдирса, кўп хурсанд бўлардик. **Манзилимиз: Шаҳрисабз тумани, Улуғбек номли жамоа хўжалиги, Шавкан қишлоғи.**

Аврай АБДУНАЗАРОВ.

● **ТОШКЕНТ.** «Бизнес Каталог» компанияси тадбиркору ишбилармонларни иқтисодий алоқага оид ахборотлар билан таъминлаб, хайрли ишлар қилмоқда. Зеро, ахборот нашридан олинаётган солиқлар бироз оғирлик қилмоқда. Агар шу бўлмаса, фаолиятимиз янада кенгайиб, ишбилармон ва тадбиркорларни янгиликлардан кўпроқ хабардор қилишга имкон туғиларди. Бу эса ривожланиш ва пировард натижада давлатга даромадлар солиғи кўпайишига йўл очган бўларди.

Ихтиёр ҲОШИМОВ.

● **ШОВОТ.** Яқинда юртимизда демократияга амал қилинмаяпти, инсон ҳуқуқлари бузиляпти деган миш-мишлар тарқатаётган бузуқ овозлар ҳақидаги хабарни эшитиб, ғазабландим. Бу юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик ва барқарор ривожланишни кўролмаётганларнинг ҳунаридир. Ўйлаймизки, юртбошимиз олиб бораётган одилона ички ва ташқи сиёсат самараси ўлароқ карвонимиз катта ўзгаришлар сари одимлайверади, вайсақиларга қулоқ солмай, буюк давлат барпо этиш йўлидан боравераміз.

«Дўстлик» маҳалласи фаоллари.

• Арғумоқ остингдадур

ШИФОСИНИ БЕРСА, АЖАБМАС

Яқинда севимли газетамнинг ҳаёт билан ҳамнафаслигини яна бир бор ҳис этдим. Чунончи, «Арғумоқ остингдадур» рукни остида берилаётган қизиқарли мақолалар менга ёқиб қолди.

Ўзим бошимдан кечирган бир воқеани айтмоқчиман. Остеомилит оғир дард экан. Шифокорларга қатнайвериб чарчадим. Биринчи гуруҳ ногиронига чиқаришди. 7—8 йил орасида икки марта жарроҳлик бўлимида 90 кунгача ётишга тўғри келди. Лекин нафи бўлмади. Шунда яхши одамлар ғалати дори-дармонлардан фойдаланишни тавсия этишди. Хуллас таваккал қилиб ўз пешобимдан кунига ярим пиёладан 3—4 маҳал ичишни одат қилдим. Жарроҳлар тиғи теккан жойимга 15—20 минут суртиб турдим. Ана, мўъжиза! Орадан ҳафта ўтмай, ярага айланган жойда оғриқ тўхтади. Қизиқишим ортди. Икки ҳафта деганда, яранинг ўрни битиб 20 кундан кейин дардимдан асар ҳам қолмади.

Тўғри, одамларни бу усулга ишонтириш қийин. Мусулмончиликда ҳаром-ҳариш, деган гаплар бор. Лекин, аввало худойим шифосини берсин-у ҳар кимнинг гўр-аъмоли ўзига деганларидек, яшашни истаган одам ҳаракатини қилади-да. Ҳамкишлоғим Қўчқор Олимов ҳам касалхонадан чиқмасди. У бедаво қанд касаллигига йўлиққан. Унга ҳам ўзимнинг йўлимни тавсия қилдим, аввалига кўнмади. Жонидан ўтгандан кейин... 40 кун деганда у ҳам хасталикдан фориғ бўлди. Қачонлардан бери парҳез таомлар меъдасига теккан Қўчқорбой ҳозир овқатларнинг сарасини тановул қилишга ўтган. Хуллас, бизларга ўхшаб дардчил бўлиб юрганлар бир урининб кўришса, деган ниятда бошимдан ўтган гапларни сизларга ёздим.

Саид АЛИМОВ,
Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги.

• Гап эгасини топади

МЕН ГАПИРАЙ, МУХБИР БОЛАМ...

Аввал ўзим ҳақимда эшит: Отим Боғожот, Самарқанд боласи. Маконим Қўшработ, тоғлар ораси. Туманнинг охири, Нуротанинг бошиданман. Энди бу ёғини тингла. Газ, боғча, ҳаммом, чойхона, телефон, кутубхона дейсизларми? Эй буларни қўя тур.

113-автосарой бошлиғи С. Ўролов зарурий хизматлар учун техника ажратмайди-ю, «тез ёрдам»ни осмондан оламизми? Туновинда ноҳушлик бўлди. Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидан узатилган Эргаш Қаршиевнинг келини Гулнора оламдан ўтди. Шу ҳақдаги телеграмма афсуски, туман алоқа тугунида уч кун қолиб кетди. Жигаргўшалар таъзияга боролмай қолишди. Энди почта бошлиғи И. Иброҳимов билан туман электр алоқа тугуни бошлиғи А. Тўғизбоевлар тавба қилгани билан бу армонни ювиб бўлармиди? Ўтган йили эса Республика Олий Кенгаши сессиясига Муродилла Қўчқоров қишлоғимизда ичимлик сув муаммосини маълум қилганди. Буни қарангки, водопроводчилар ишга тушиб қолишди. Бўларкану деб турсам, яна ишлар ўлда-жўлда қолаверди.

Билсанг мактабни ҳам ҳашар қилганмиз. Лекин болалар тўртинчи синфдан Нуротага қатнашади. Ҳар куни олти чақирим йўл босишади. Қиш-қировли кунларда бу осон дейсанми? Муаммоларни айтаверсам кети кўринмас. Ёзмаган жойимиз, илтимос қилмаган раҳбаримиз қолмади. Сабр қилиб турибмиз. Ноумид шайтон дегандай...

Суҳбатни оққа кўчирувчи Убайдулла ХУЖАНИЕЗОВ.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: Кўриниб турибдики, отахоннинг дарди сероб. Наҳотки, Қўшработда ўзини эмас ўзгалар кўнглидаги гапларни ўртага солган оқсоқолнинг сўзларига қулоқ солгувчи бирор кимса топилмаса?**

ЎҒЛИМНИНГ ЎРНИ БИЛИНМОҚДА

Мен Жарқўрғон тумани, «Сурхон» давлат хўжалигидан мактуб йўллаяпман. Зора, мутасаддилар мени тўғри тушуниб, жонимга ора киришса. Шу денг, олтита ўғлим бор. Иккиси афғонда хизмат қилган. Тўрттаси уйли-жойли, ўзларидан тинчиб кетишган. Ҳамма умидим кенжасидан. Вақт-соати келибди шекилли уни ҳам ҳарбий хизматга чақиришди. Ҳарбий комиссариатга бориб, пенсиядалигим, буни устига касалмандлигим, бундан буён шу ўғлимга боқиманда бўлишимни айтиб, муқобил хизматга олишларини сўрадим. Афсуски, бунинг иложи йўқ, деган жавоб қилишди. Ҳозир ўғлим Самарқандда хизмат қилмоқда. Чолу-кампирга унинг ўрни жуда билиняпти. Ҳайронман, қишлоғимизда қанча йигитлар муқобил хизмат қилиб юришибди-ку. Кучдан қолганимда ижарага олган 20 гектарли ерга ким қарайди?

Абди НАЗАРОВ.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: Тўғри, Ватан ўғлонларининг йигитлик бурчлари аввал экани аён. Зеро, шароитдан келиб чиқиб, отахоннинг арзига инсоф юзасидан қаралса, ёмон бўлмасди.**

ҚИШЛОҒИМИЗГА ИШБИЛАРМОН КЕЛСА

Ўзим оддий колхозчи аёлман. Кўпдан бери ҳеч қаерда ишламай ўтириш жонга тегди. Нега десангиз, бизбоп иш йўқ. Бешта болам бор. У ёғини сўрасангиз менга ўхшаганлар қанча. Шуларни ўйлаб бир таклиф айтмоқчиман. Бир уста ишбилармонни бизнинг қишлоққа йўлласангизлар. Қишлоғимизда тикувчилик ёки тўқувчилик цехи очиб, биз аёлларни иш билан таъминласа. Хўп савобли иш бўларди-да.

Тўпахон ИСРОИЛОВА,
Марҳамат тумани, «Машъал» жамоа хўжалиги.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: бекорчиликдан қийин аҳволда қолган онахоннинг куюнганича бор. Ҳайронмиз, у кишининг даъвати билан «Машъал»га бир ишбилармон йўл олса, қишлоқ йигитлари ор қилишмасмикин?**

КЎНГЛИМИЗНИ ОВЛАШАРМИКИН?

Мактубни Қоракўл тумани «Пайкент» жамоа хўжалигидан ёзяпман. Шу десангиз, 1961 йили фарзанд кўрганмиз. Яхши ниятда исмини Нормурод деб қўйдик. Дунёнинг ишлари экан, у икки ёшлигида йиқилиб, 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Мана 33 йилдирки, боламиз юрмайди. Чол-кампирнинг аҳволини тушунгандирсиз. Жилла бўлмаса, ҳовлига тушади-ку, деган ниятда ногиронлар аравачасини сўраб, илтимос қилмаган жойимиз қолмади. Шундоқ ҳам омади чопмаган бир йигитнинг кўнглини овлаш «қийин» экан-да?

Нарзулло БОЛТАЕВ.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: Шунчалик ҳам бўладими, ахир. Наврўз ва Истиқлол байрамларида озмунча муҳтожлар кўнгли олиняптими? Наҳотки, туман «Наврўз» ва «Меҳр-шафқат» хайрия жамғармаларининг мутасаддилари бу воқеадан бехабар бўлишса.**

ҲУЖЖАТИМ ЙЎҚОЛГАНМИШ

1943—1946 йилларда Андижон вилоятининг собиқ Чинобод туманида маориф бўлими ва райижроқўмида ишлаганман. Фронт орқасидаги хизматларим учун кўп қатори «1941—1945 йиллардаги урушда кўрсатган шавкатли хизмати учун» медали билан тақдирланганман. Баъзи сабабларга кўра медалнинг гувоҳномасини йўқотдим. Бу орада Чинобод тумани Балиқчи туманига қўшилиб кетди. Архив ҳужжатлари вилоят архивининг Избоскан тумани бўлимига топширилди. Мен вилоят ва Избоскан тумани бўлимига бир неча бор илтимос қилдим. Афсуски, шу медаль билан тақдирланганлар рўйхати топилмади. Уларнинг айтишича, ҳужжатлар йўқолган ё топширилмаган эмиш. Ахир, медаль билан тақдирланганим ҳақида аввалги партия ҳужжатларим ва шахсий варақаларимда аниқ ёзилган-ку!

Ёқубжон ҲАКИМОВ.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: Уруш кўриб, жанг қилганларга фронт ортида туриб мададкор бўлиш ҳам жасоратдир. Бундай кишиларни ардоқлаш, кўнглини овлаш бурчимиздир. Шундай экан, Ёқубжон аканинг урушга даҳлдор медали борлигини тасдиқловчи ҳужжат тузукроқ изланса, савоб бўларди.**

Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?

СОЛИҚ ТЎЛАМАЙСИЗ

● **САВОЛ: Мен Афғонистонда хизмат қилганман. Шахсий енгил машинам бор. Мендан шу машина учун солиқ олинмоқда. Айтингчи, қонун бизга ўхшаш фуқароларга имтиёз белгилаган эмасми!**

К. МУРДИНОВ,
Термиз.

● ЖАВОБ: 1992 йил 9 декабрда чиққан Қонунга биноан уруш қатнашчилари, Ватанни ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда, ҳарбий қисмларда, штабларда ва ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, собиқ партизанлар, байналмилалчи жангчилар транспорт воситалари ҳамда ўзюрар машина ва механизмлар эгалари сифатида солиқдан озод этиладилар. Бундай имтиёзлардан яна давлат бюджети ҳисобида турадиган муассаса ва ташкилотлар, пахта териш, дон йиғиш комбайнлари ҳамда бошқа махсус комбайнлар эгалари шунингдек, шаҳарларда ва шаҳар атрофида қатнаб йўловчилар ташувчи умум фойдаланишидаги автотранспорт (таксидан ташқари) корхоналари фойдаланадилар.

ФОЙДАНИ ЯШИРИШ ЖАЗОСИ

● **САВОЛ: Бир танишим кичик корхонада раҳбарлик қилади. Уни текширувчилар фойдани яширгансан деб жавобгарликка тортишмоқчи, шу тўғримі!**

Ш. ОБИЛОВ,
Тошкент.

● ЖАВОБ: Агар фойдани қасддан яширганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиб, бир йил ичида худди шундай қонунбузарлик ёки солиқ солинадиган бошқа нуқталарни қасддан яширса, икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида жарима солиш билан жазоланиши мумкин.

ШИКОЯТ ҚИЛИШ ЎРИНЛИ

● **САВОЛ: Биз ишлаётган жойда завод жойлашган. Бу заводдан чиқаётган ҳар хил зарарли эритмалар туфайли ўтган йили экинларимиз анча зарар кўрди. Агар бундай ҳолат давом этса, биз қаерга мурожаат қилишимиз керак!**

Ф. НОСИРОВ, Х. АҲМЕДОВ,
Тошкент.

● ЖАВОБ: Атроф муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экология жиҳатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилишга юридик шахслар ҳақли ҳисобланадилар. Сизлар ҳам келтирилган зарарни ундириш мақсадида бундай ҳуқуқдан фойдаланишингиз мумкин.

СИЗЛАРГА ҲАМ ИМТИЁЗ БОР

● **САВОЛ: Биз ногиронлар корхонасида меҳнат қиламиз. Корхонамиз ҳар хил солиқ тўлайди. Қонунда бизнинг корхонамиз солиқлардан озод қилинганн ҳақида бирор кўрсатма борми!**

А. ТУРДИЕВ,
Марғилон.

● ЖАВОБ: Ўзбекистонда «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги қонуннинг 31-моддасида кўрсатилишича, агар ишловчиларнинг 50 фоиздан ортиғини ногиронлар ташкил қилса, у ҳолда корхона, ташкилот, бирлашма, муассаса солиқ тўловлардан тўлиқ озод этилади. Демак, сизлар ишлаётган корхона ҳам ушбу имтиёздан фойдаланиши мумкин.

ТИББИЙ ХУЛОСА АСОС

● **САВОЛ: Менга яқин бир одам спиртли ичимликларни доимий равишда ичиб, уйдагиларга тинчлик бермайди. У киши алкоголизм касалликига мубтало бўлган экан. Айтингчи у кишининг даволаш тартиби қандай бўлади!**

К. ВАҲОБОВА,
Тошкент.

● ЖАВОБ: Кўрсатилган тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра ёки беморнинг оила аъзолари, қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка қарши курашувчи комиссияларнинг илтимослари асосида расмийлаштирилади ва даволанади.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

НАМАНГАНДА МАШРАБХОНЛИК

Бу гап Наманганда байрам-байрамга уланиб кетди. Шаҳарнинг Қурашхона даҳасида қад ростлаган Мулла Бозор Охунд мақбарасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Сўнгра меҳмонлар ва вилоят жамоатчилиги Машраб номидаги маданият ва истироҳат миллий боғига ташриф буюрдилар. Ушбу миллий боғда сайил, қўшиқ-куйга, куй рақсга, шеър алёрга уланди. 20 жуфт келин-куёвнинг тўйи шу ерда ўтди. Улар асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эдилар. Шунингдек, 40 дан ортиқ болага хатна тўйи ўтказилди.

Асосий майдонда Хоразм, Андижон, Фарғона, Наманган, санъат усталарининг концерти, туман халқ дасталарининг чиқишлари уюштирилди. Машраб кинотеатрида «Машраб» ҳужжатли фильми, театрда эса «Машраб» лирик драмаси намойиш этилди. Вилоят «Мерос» адабий-илмий, маданий-маърифий марказида шоирлар мушоираси бўлди. Дарбозлик, полвонлик чиқишлари, уч авлод учрашувлари, масхарабозлик, кўғирчоқ ўйинлари, шахмат-шашка, курашчилар ҳаммани ром этди. Бир сўз билан айтганда, Машраб севган халқ Машраб орзу қилганидек ўйнаб кулди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САНЪАТ

Бу кишини кўпчилик танимаслиги эҳтимол. Ўзлари оддийгина айтганда, консерваторияда муаллим бўлиб ишлайди. Бу даргоҳда скрипка синфига ўттиз йил бўлибдики дарс ўтади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, симли асбоблар кафедраси мудири, профессор. «Баҳор» концерт залида олқишлар билан ўтган навбатдаги концертидан сўнг у билан учрашиб, икки оғизгина суҳбатини олиш истаги туғилди.

Скрипка... Бизда бу санъат тури қай даражада ривожланганги ҳақида бир сўз дейиш қийин. Очиғини айтганда, балким тушунмасмиз, балким бизга бу санъат сингмас...

Марлис ЮНУСХОНОВ:

СКРИПКА РУБОБДАН «ОЛИНГАН»

— Марлис ака, умуман, ўзбек санъати ва сизнинг йўналишингиз ўртасидаги муносабат ҳақида гаплашсак...

— Келинг, яхшиси скрипканинг пайдо бўлиш тарихидан бошлай қолай. Бу чолғу асбоби итальянларнинг «Виола»сидан пайдо бўлган. Шу боис итальянлар уни «Виолино» ҳам деб аташади. Бу созлар бир-биридан ҳажми жиҳатидан озгина фарқ қилади-да. «Виола»нинг ўзи эса эътиборингиз учун шарқимизнинг миллий рубобидан «олинган». Кўриб турибсизки, скрипканинг туғилиши шарқ мусиқачилиги билан чамбарчас боғланган. Содда қилиб айтсак, бизнинг рубобимизни итальянлар мукаммаллаштириб, овозига янада сайқал бериб ана шу созни яратганлар.

Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам скрипканинг ривож топиши табиий бир ҳол. Қолаверса, тузилиши, оҳанг бериши, системаси скрипкага жуда ўхшаш бўлган ғижжак созининг тарихи ҳам узоқларга бориб тақалади.

— Бугунги замонавий ўзбек мусиқачилигида скрипканинг ўрни ва аҳволига қандай баҳо берасиз?

— Айтиш жоизки, агар ўттиз йил муқаддам ўзбек скрипкачиси жуда кам учраган бўлса, бугун ана шу мусиқа асбоби ижрочиларимиздан республика ва халқаро конкурслар совриндорлари ҳам бор. Феруза Зокирова, Инобат Аҳмедова, Абдуваҳоб Ҳошимов, Доно Полвонова каби шогирдларимизнинг ана шулар қаторида эканлиги, шунингдек, Д. Холиқов, М. Саитов, М. Худойбергановларнинг янги бир тўлқин ва шиддат билан уш. бу соҳага кириб келаётгани қувонтиради мени.

Скрипка ижрочилигидаги юқори малакалари боиски, бугун миллий мутахассисларимиз Туркия, Миср каби мамлакатларда ҳам ишлаяпти.

Консерваторияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Офелия Юсупова раҳбарлигида халқаро талабларга мос келадиган ўзига яраша мактаб яратишга ҳаракат бор. Бу интилишнинг илк натижалари ҳам кўриняпти. Г. Алимова, У. Полвонов каби юртдошларимиз халқаро пианиночилар танловининг лауреатлари бўлишди.

— Очиғини айтсак, скрипка, пианино созларини чертиш, опера, балет каби санъат турларига бизнинг ўзбек деҳқони ё ишчиси кўп ҳам меҳр қўймаган. Энди қандайдир сингишмайди-да.

— Бу ўринда шуни айтиш жоизки, сиз таъкидлаган санъатнинг соҳалари бу ривожланиш, мукаммалликнинг белгиси сифатида баҳоланади. Агар скрипка рубобнинг мукаммал бир нуқтага етгани деб ҳисобланса, балет, хор, симфоник оркестр каби санъат турлари одамзоднинг куйлаш, рақс тушиш, ансамблли ижролар борасида эришган улуғ бир ютуғи деб қараш жоиз.

— Марлис ака, гап шундаки, бошқа тилда куйланган қўшиққа ҳам ҳузур қилиш мумкин, фақат энди тинглай билиш ва тушуна олиш зарур-да.

— Худди шундай.

Суҳбатдошимиз ҳақида яна икки оғизгина. Консерваторияда Рейсон синфини тугатган. Бугунгача эллликка яқин скрипкачига мураббий бўлган. Уларнинг кўпчилиги консерватория, мусиқа билим юрти, мактаблар ва оркестрларда фаолият кўрсатяпти. Марказий Осиё скрипкачилар конкурсининг биринчи мукофоти соҳиби. Телевиденне «Мусиқа оламида» кўрсатувининг бошловчиси ҳам.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

БУЁҒИ НИМА БЎЛАРКИН?

Тошкентда ўн тўққиз ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё XXIX чемпионати 9-гуруҳида қатнашувчи командалар ўртасида саралаш учрашувлари бошланди. Ғолиб жамоа шу йил Индонезияда бўладиган финал ўйинларига йўлланма олади.

Шундай қилиб тўққизинчи гуруҳ командаларининг Тошкент учрашувларининг бошланиши байрам тусини олди. ФИФА ижроқўмининг аъзоси, ОФК техник директори жаноб Жорж Жозеф футболчиларни табриклади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, республика футбол федерацияси президенти А. Муталов мусобақа қатнашчиларини қутлади. Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитасининг президенти С. Рўзиевлар иштирок этишди.

Дастлабки ўйин Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида бўлиб ўтди. Қозоғистон ва Туркманистон ёшлар терма командалари ўртасидаги учрашувда омад қозоғистонликлар томонида бўлди — 1:0.

«Пахтакор» стадионида ҳамюртларимиз қирғизистонликлар тенгдошларига қарши майдонга тушдилар. Ҳар икки томон футболчилари дастлабки дақиқаларда ҳаяжонланиб ҳаракат қилганликларини тушуниш мумкин. Ўйин эса 1:1 ҳисобида тугади. Якшанба куни навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Туркманистон — Тожикистон — 2:1, Қозоғистон — Ўзбекистон — 2:1. Энди, буёғи нима бўларкин?

Равшан ШОДИЕВ.

СМЕКТА—СИНОВДАН ЎТГАН ДОРИ

Соғлом болаларни дунёга келтирувчи оналар саломатлигини яхшилаш, она ва болага кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари ва уларнинг ҳажмини кўпайтириш борасида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги муҳим ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Лекин шунга қарамай, республикамиз вилоятларида чақалоқлар ўлими миқдори ҳамон юқори даражада. Кўкрак ёшидаги болалар, асосан, нафас олиш аъзолари ва юқумли касалликлардан нобуд бўлмоқда. Бунинг сабаблари кўп ва хилма-хилдир.

Ўзбекистоннинг иқлим-табиий шароити иссиқ, ёз ойларида кичик ёшли болалар ўртасида ич кетиши билан кечадиган кўпгина ўткир ичак касалликларининг авж олишига шароит яратади. Ёз ойларида нобуд бўлаётган чақалоқларнинг ҳам 60—75 фоизи ана шу касалликлар туфайлидир. Афсуски, ҳамма жойда бўлганидек, республикамиздаги иқтисодий вазият болалар ўртасида кенг тарқалган юқумли ичак касалликларини самарали даволаш учун зарур бўлган кўпгина дори-дармонларнинг етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги чет эллардан анча қиммат нархларда сотиб олинмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг қарамоғидаги иллий текшириш марказлари бу борада бир қанча чет эл дори ишлаб чиқариш компания ва ширкатлари билан алоқалар ўрнатиб яхши иш қилмоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларни шифохоналарда синаб кўриб, харид қилишга тавсиялар бермоқдалар. Ҳозир синовдан ўтган дори-дармонларнинг бир неча тури республикамиз болаларининг ҳаётини сақлаб қолмоқда.

Франциянинг машҳур «Бофур ипсен интернасиональ» дори ишлаб чиқариш ширкатининг бир неча маҳсулоти педиатрия илмий-текшириш институти клиникаси, Тошкент шаҳар 1-юқумли касалликлар шифохонасида синовлардан муваффақиятли ўтди. Ич кетиш билан кечадиган хасталикларга қарши ишлатиладиган смекта дориси, айниқса самарали натижалар берди. Бу дори жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ишлатиляпти. Россия Федерацияси, Украина ва бошқа мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам болаларни даволашда бу препаратни муваффақиятли қўлламоқдалар.

Синовларимиз смекта дориси ишлатилганда узоғи билан уч кун ичида ич кетиш аломатлари йўқолиб, беморлар аҳволи яхшиланишини кўрсатди. Ўзбекистоннинг барча даволашпрофилактика муассасалари ёз ойларида тўлиқ таъминланадиган регидрон эритмаси билан биргаликда ишлатилганда смектанинг самараси янада сезиларлироқ бўлди. Унинг афзаллиги организмдаги бактерия, вируслар ва улар ишлаб чиққан заҳарли ажратмаларни ўзига шимиб олиб, зарарсизлантиришдадир. Уни ишлатилаётган бошқа дорилар билан қабул қилинганда ҳам зарарсиз эканлиги аниқланди. Смекта ичак devorлари шиллиқ пардасининг ҳимоя механизмларини мустаҳкамлаши натижасида бола организми ўзидан суюқликни кўп йўқотмайди ва натижада ич кетиш тўхтайди. Смектани янги туғилган чақалоқлар, ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, қанд касаллиги ва бошқа хасталикларга чалинганлар ҳам қабул қилишлари мумкин. Хўш, бу дорини қаердан ва қандай қилиб олса бўлади.

«Бофур ипсен интернасиональ» ширкати Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан (аккредитациядан) ўтган бўлиб, у республикамизда ўз ваколатхонасига эга. Ваколатхона барча қизиқувчи ташкилот, давлат ва хусусий идора ҳамда ташкилотлар билан шартномалар тузади ва исталган миқдорда кўрсатилган дорини етказиб беради. Смекта дориси кукун ҳолатда ўралган бўлиб, қутичасида ўттиз ўрам дори бор. Битта қути бешолти нафар болани даволашга бемалол етади. Бир қути смектанинг нархи 4,5 Америқо доллари туради.

Биз чет эл валютасига эга бўлган вилоятлардаги ишлаб чиқариш ташкилотлари, корхоналари, тижорат идоралари, муассасалари, хусусий корхоналардан соғлиқни сақлаш бўлимларига ушбу дорини сотиб олишга ёрдам беришини сўрар эдик. «Бофур ипсен интернасиональ» француз ширкатининг ваколатхонаси қароргоҳига мурожаат қилиб бу масала бўйича атрофлича маълумот олиш мумкин. Унинг қароргоҳи: **Тошкент шаҳри, а/я 576, Жуковский кўчаси, 65-уй. Телефонлар: 32-34-24, 33-37-30. Факс: (3712) 33-95-89.**

Биз ваколатхона орқали кўпгина муаммоларни ечмоқдамиз.

Учқун КАРИМОВ,
Шуҳрат ТУРСУНОВ,
педиатрия илмий-текшириш институти илмий ходимлари.

Афсуски... оналаримиз, болаларимиз саломатлиги ҳозир қай аҳволдалиги ҳеч биримизга сир эмас. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг мажлисларидан бирида оғриқли мисоллар яна бир бор келтирилди. Айрим оналаримизнинг камқонлик, юрак, буйрак, жигар каби оғир хасталикларга чалинаётганлиги, бу дардлардан айримлари наслдан-наслга ўтаётганлиги, болалар заиф, хаста туғилаётганлиги ташвиш билан таъкидланди.

Бугун ҳар биримиз ўзимизга шундай саволларни бермоғимиз шарт: Бизким Алпомиш авлодларига не бўлди? Донғи етти иқлимга кетган улуғ қавмнинг ботир, паҳлавон ўғлонлари зурриёти нега хаста?

Ўйласанг хаёллар узоқ-узоқларга олиб кетаверади.

Беморни даволашдан олдин дард сабаби ўрганилади. Шифокор-олимларнинг тадқиқотларида аниқланишича, очиқда юрган қушдан қафасдаги қуш бир неча баробар кўп касалликка чалинаркан, танасининг ривожланиши ҳам суст бўларкан.

Биз узоқ йил мустабидликда яшадик. Жисмимиз, тилимиз, дилимиз ночорлиги, заифлигининг асосий сабаби ана шунда эди.

Яратганга минг бор шукр-ки, энди озодмиз! Юртимиз, эркимиз, ҳуқуқимиз, тақдиримиз, Ватанимиз ўз қўлимизда. **Мустақилликни мустаҳкамлаш учун аввало унинг қадрига етмоқ керак. Унга меҳр қўйиш учун эса мустабидлик даврида бошимизга тушган қора кунларни унутмаслик зарур.**

Иқтисодий таназзулдан қутилиш, мамлакатни бой қилиш энг аввало одамлар саломатлигига боғлиқ. Шу боис ҳам мустақиллигимизнинг тўртинчи ойидаёқ «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида» Қонун қабул қилинди. Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб айнан бизда халқ саломатлигини муҳофаза қилиш қонун билан кафолатланди. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш тўғрисида» қарори чиқди. «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ташкил этилди. Аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилувчи оммавий спорт тури-футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор чиқди. Футбол тараққиётига масъуллик республика Бош вазири ва ҳокимлар зиммасига юклатилди. Халқ миллий ўйинлари, жумладан, миллий курашимиз шуҳратини қайта тиклашга катта эътибор бошланди. Ўтган йили Абдуҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақада Президентимиз совғани бош мукофот сифатида қўйилди.

28 май — 5 июнь кунлари Тошкентда Президентимиз кубоги учун теннис бўйича йирик халқаро турнир ўтказилади. Ҳозир унга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шахсан юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан жисмоний тарбия ҳамда спортга, соғлом авлодни тарбиялашга жиддий эътибор берилаётганлиги баъзи раҳбарларнинг бу соҳага эскича муносабатларини ўзгартирмоқда. Жойларда янги спорт иншоотлари барпо этиляпти, мусобақалар уюштирилмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бироқ ҳамма ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамиятини ҳали тўла англаб етмаяпти. Соғлом авлодни тарбиялаш борасида ҳукумат қабул қилган ҳужжатлар моҳиятига етарли баҳо берилмаяпти. Мустақил давлат тизимни яратилаётган, бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда Президентимиз нега жисмоний тарбия ва спортга бунчалик кўп эътибор беряпти? — деб ҳамма ҳам ўзига савол бераётирми?

Қарор ижроси билан кучли ва қимматли. Унинг ижроси эса пастдаги раҳбарларнинг савияси, ватанпарварлик туйғуларига боғлиқ. Масала моҳиятини англаган раҳбар қарор ва қонунлар асосида янги ташаббусларни бошлайди, яратилган имкониятга суяниб кенг кўламда ҳаракат қилади.

Ривожланган мамлакатларда ҳатто давлат арбобларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари оддий ҳолга айланган. Бизда айримлар кўчага чиқиб югуришга уялади. Спорт залига ва майдончасига келиб оддий халққа қўшилиб шуғулланишса обрўлари пасайиб кетадигандек туюлади. Шунинг учун аввало халқимиз онгида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ҳаётий зарурат, деган тушунчани шакллантириш лозим.

Ўтган йили Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳанд» қишлоғида «Спорт» газетаси байрамини ўтказгандик. Тошкентдан борган журналистлар футбол жамоаси билан бўлган учрашувда майдонга туман ҳокими ва хўжалик раиси ҳам тушганди. Марғилонда ўтказган ана шундай байрамимизда эса шаҳар ҳокими ўз жамоаси таркибида ўйнаганди. Бир қарашда «ҳа, энди улар футболга ишқибоз эканда», деб қўйиш мумкин. Аслида бу ерда жуда катта шахсий намуна, тарғибот ётибди. Ҳокимнинг бир четда буйруқ бериб туриши қайда-ю, ўзи ёшларга қўшилиб майдонга тушгани қайда.

Бизда яна бир эски иллат бор: кўпгина раҳбарлар, зиёлилар, ижодкорлар шуғулланишга бизда вақт қани, дейишади. Тўғри, кўпчиликда бекорчи вақт йўқ. Иш, жамоат топшириқлари, оила ташвишлари, тўй, меҳмондорчилик, телевизор кўриш, китоб ўқиш... Ҳаммаси зарур. Энди келинг, ана шу «зарурлар» қаторига «ўз саломатлигим ҳақида қайғуришим керак», деган яна бир вазифани ҳам киритайлик. Ана шундан сўнг уларнинг қайси бири муҳимлиги ҳақида ўйлайлик. Табиийки, саломатлик биринчи ўринга чиқади. Шундоқ экан нега энди саломатлигимиз тўғрисида жон қойитишдан вақтни аяймиз? Вақт топилади: эрталаб, кечқурун, дам олиш кунлари. Фақат лоқайдлик ва ҳафсаласизликни енга олсак бас.

ТАКЛИФ,

МУАММО,

Нега бизда жисмоний тарбия билан шуғулланиш оммавий тус олмаган? Чунки кўникма йўқ. Кўникмани эса болаликдан шакллантирмоқ керак. Оилада, болалар боғчасида, мактабда жисмоний тарбия билан шуғулланмай ўсган кишини спорт майдончасига бошлаб келиш оғир кечади. Эрталаб туриб, болаларини уйғотиб, биргаликда 10-15 дақиқа бадан тарбия билан шуғулланадиган ота-оналар кам. Боғчаларда бу борада тарбия берадиган мутахассислар етарли эмас. Мактабларда, айниқса, қишлоқ жойларида жисмоний тарбия дарслари кўпинча номигагина ўтилади. Маҳаллий хотинқизларимизда бу дарсга қизиқиш деярли сезилмайди. Нега?

Ҳозирги жисмоний тарбия дарслари бизнинг табиатимиз, руҳиятимизга тўғри келмай қолди. «Нима қилайлик, янги дастурни қаердан оламиз?» деб баҳона қилиш ўринсиз. Кашфиёт яратиш шарт эмас. Қадимда ўзимизда бор бўлган болалар миллий ўйинларини тиклашимиз зарур. Айрим миллатпарвар олимларимиз, мутахассислар ҳозир бунинг устида ишлашяпти. Миллий ўйинларимиз қизиқарлилиги, ҳаракатчанлиги, аҳлоқлилиги жиҳатидан совет тузуми жисмоний тарбия дарсларидан анча устун туради. Биздаги миллий ўйинлар ҳозиргидек фақат қуруқ ҳаракатлардан иборат бўлмаган. Болалар ўйинлари шеър ўқиш, қўшиқ айтиш, рақс тушиш шартлари билан бажарилган. «Оқ теракми, кўк терак», «Оқсоқ бўри ва қўйлар», «Қоч болам, қуш келди», «Бақа ва лайлак» каби юздан зиёд болалар миллий ўйинлари бор. Уларда ирода, чидамлик, дўстлик, ахлоқ-одоб, зеҳнлилик уйғунлашиб кетган. **Ҳар бир ўйин тарбиявий моҳияти жиҳатидан бир асарга тенг.**

Албатта, социализм даврида ҳамма нарсадан ёппасига воз кечиш керак, деган фикрдан йироқман. Яхши тажрибалар, анъаналар оз эмасди. Масалан ГТО кўпкураши бўйича оммавий мусобақалар ўтарди. «Ҳар бир ўқувчи ГТО нишондори бўлсин!» деган чақириқлар амалда самара берарди. «Орлёнок», «Зарница» ўйинлари болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни Ватан мудофаасига тайёрлашда катта аҳамиятга эга эди. Ҳозирги Ёшлар Иттифоқи бу борада ўзини кўрсатиши керак. Миллийликдан келиб чиққан ҳолда ўша мусобақалар ўрнини босадиган ўйинлар ташкил этиш лозим деб ўйлайман.

МУЛОҲАЗА

«Ҳар бир маҳаллада турар-жойда оддий спорт майдончаси бўлсин!» «Собиқ чемпионлар ўзлари яшайдиган маҳалладаги болаларга оталиқ қилсин!» каби ташаббуслар ҳам кейинчалик негадир унутилди. Ҳомийлик ҳақида гап кетса кўп мулоҳазаларни айтиш мумкин. **Ҳозир қатор корхоналар, фирмалар спорт турларини оммавийлаштиришга оталиқ қилмоқда. Топганини ёнига солмай эл-юртга, етим-есирга қарашаётган тижоратчилар ҳам кўпаймоқда. Ана шу ташаббусни ривожланган ҳолда қурби бор корхоналар, ташкилотлар, ширкатлар, ўқув юртлари, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари идоралари ўз ҳудудларидаги маҳаллаларни ҳомийликка олишса кўп савоблик ишлар амалга ошарди.**

Яна бир масала ҳақида тўхталмоқчиман. Бир пайтлар одамлар уй-жой тиклаганда яна 30—40 йилдан сўнг нима бўлишини ўйлашмаган. Оқибатда эски шаҳарларнинг бугунги кунга келиб, тор кўчалари, болалар учун бир қарич ҳам ўйин майдончалари йўқлиги қатор муаммолар туғдирмоқда. Бунга Тошкентнинг Эски шаҳри яққол мисол бўла олади. Минглаб болаларни ўз бағрига олиб, тарбиялаб келган, «Спартак» ўйингоҳи буздирилгач, шуғулланишга умуман жой қолмади.

Ҳозир одамларга уй-жой учун ер берилляпти. Янги маҳаллалар қад ростлаяпти. Лекин зичлаб қурилаётган уйлар орасида спорт майдончалари, оддий стадионлар учун жой қолдириш ҳақида жиддий ўйлаймаяпти.

Спортда оммавийликнинг етишмаётганлиги, жисмоний тарбияга кўникма йўқлиги. нинг сабаблари фақат юқорида айтилганларга боғлиқ эмас. Шароит яратсак-да, ҳамма югуриб кетавермайди. Одамлар югуришдан наф борлигини дилдан тушунгачгина югура бошлайдилар. Бунинг учун тарғибот зарур. Бизда ҳозирча жисмоний тарбия ва спорт мавзуида китоблар, кинофильмлар, санъат асарлари, қўшиқлар бармоқ билан санарли даражада. Эндиликда эса мавжуд имкониятларимиздан унумли фойдаланмоқ керак.

Соғлом авлод дейилганда кўпчилик хаёлига аввало табобат келади. Соғлом авлод фақат табобатга боғлиқ эмас. У асосан носоғломларни даволайди. Саломатликни, тан бақувватлиги, гўзаллигини жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзи таъминлайди. Соғлом авлод оила, боғча, мактаб, ўқув юртлари, маҳалла, табобат, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятларига боғлиқ. Шу боис диққат-эътиборни, ҳаракатни, вақтни кўпроқ касалликларга эмас, балки унинг олдини олишга сарфлаш мақсадга мувофиқ.

Мулоҳазаларимни айтяпман-у кўнглимнинг тубида эртанги кунга, буюк келажагимизга катта умид ётганлигини тобора чуқур ҳис этяпман. Қадриятларимиз қайтаётган юртга Алпомишлар, Ойбарчинлар ҳам қайтишига ишонч ҳосил қиляпман. Айтганларимга қўшимча хаёлимдан шундай гаплар ўтмоқда:

● Вақти келиб «Саломатлик» деган фан пайдо бўлса ажаб эмас...

● Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи кишиларга қўшимча имтиёзлар берилар...

● Одамлар шифокорлар қабулига эмас, спорт тўгаракларига аъзо бўлиш учун навбат кутишади.

● Ҳарбий хизматга соғломларнинг соғломлари танлаб олинади.

● Жисмоний тарбия ва спорт нафақат саломатлик гарови, балки маънавий маданият ҳам эканлигини ҳамма англайди.

● Олимларнинг айтишларича ҳозир бизда эркаклар ўртача 66, аёллар 74 йил умр кўраркан.

● Аслида инсон 120-130 йил атрофида яшаши керак.

● Табиат ато этган ҳаёт нега шунчалар қисқариб кетган?

● Умримизни узайтириш учун нима қилмоғимиз зарур?

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Сафар ОСТОНОВ,
«Спорт» газетасининг бош муҳаррири.

УЙ-ЖОЙ ҚУРМОҚЧИ ЁКИ СОТИБ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?

БУ МУАММОНИ ЕЧИШДА СИЗГА ЖАМҒАРМА БАНКИ ЁРДАМ БЕРАДИ

Сиз Жамғарма банкида «уй-жой ссуда-жамғарма ҳисоби» очсангиз, уч йилдан сўнг Сизга уй-жой қуриш ёки сотиб олиш учун жамғармангиз қолдиғидан 10 баробар кўп миқдорда фоизсиз қарз берилади. Уй-жой ҳисобига бадалларни нақд пул ёки нақд пулсиз ўтказиш мумкин. Қарз тўлиқ қайтарилгандан сўнг жамғармангизни қайтариб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотни Жамғарма банкининг барча муассасаларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:

45-35-49: 45-66-43: 33-51-95:

УЙЛАГАН РЕЖАНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Узбекистон Жамғарма банки.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзулгуржибирж а с а в д о» уюшмаси жамоаси «Навоийулгуржибиржасавдо» акционерлик жамиятининг бош директори Юсуф Ҳазратович Давроновга рафиқаси

Мунаввара РАИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси жамоаси уюшмаининг Москва савдо ваколатхонаси бошлиги Расулжон Абдимажитовга онаси

Эътибор МУМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қамаши туманидаги 14-ўрта мактаб жамоаси кекса педагог, маориф ғалочиси, меҳнат фахрийси

Равшан МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулқасим ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 939 тир. 85501.топширилди—01.00.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.